


**Ахмад Фарғоний номидаги вилоят  
ахборот-кутубхона маркази  
Ахборот-библиография бўлими**



**Ўзбек адабиётининг буюк вакили,  
ўзбек романчилигининг асосчиси**

**Абдулла Қодирий  
таваллудининг 124 йиллигига  
(1894–1938)**

*Библиографик кўрсаткич*

**Фарғона – 2018**

2018 йил ўзбек адабиётининг буюк вакили, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 124 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ахборот-библиография бўлими “Ўзбек романчилиги асосчиси” номли адабиётлар кўрсаткичини тайёрлади.

Кўрсаткич хронологик тартибда жойлаштирилган. У беш бўлимдан иборат:

1. Абдулла Қодирий ҳаётига оид муҳим саналар
2. Абдулла Қодирий ижоди
3. Абдулла Қодирий таржималари
4. Абдулла Қодирий асарлари нашри
5. Матбуот нашрларида Абдулла Қодирий ҳақида чоп этилган мақолалар

## **Ўзбек романчилиги асосчиси**

20 аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси, 20-йиллардаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчиси Абдулла Қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкентда боғбон оиласида туғилган. Отаси Қодирбобо хон, беклар кўлида сарбозлик қилган, рус босқини пайтида Тошкент мудофаасида қатнашган. Отаси бошидан ўтган саргузаштлар Абдулла Қодирийнинг қатор асарлари, хусусан тарихий романларининг юзага келишида муҳим рол ўйнаган. Абдулла Қодирий мусулмон мактабида, рус-тузем мактабида Абулқосим шайх мадрасасида таълим олди. Москвадаги адабиёт курсида ўқиди. Ёшлигиданоқ қадимги Шарқ маданияти ва адабиёти руҳида тарбия топган. Араб, форс ва рус тилларини ўрганган. Жаҳон адабиётини ихлос билан мутолаа қилган. Оиласи камбағаллашганлиги сабабли болаликдан мустақил меҳнат қила бошлади, турли касбларни эгаллади, маҳаллий савдогарларга котиблик ва гумашталиқ қилди. 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг Эски шаҳар

озука кўмитасининг саркотиби, “Озиқ ишлари” газетасининг муҳаррири, Касабалар шўросининг саркотиби, “Муштум” журнали ташкилотчиларидан ва таҳрир хайъати азоси бўлиб ишлади.

Абдулла Қодирий ижодий фаолиятининг бошланиши 1910 йилларнинг ўрталарига тўғри келади. “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 1 апрель сонидан Абдулла Қодирий имзоси билан “Янги масжид ва мактаб” сарлавҳали хабар босилади. Бу бўлажак адибнинг матбуотдаги дастлабки чиқиши эди. Орадан кўп ўтмай, унинг “Тўй”, “Аҳволимиз”, “Миллатимга”, “Фикр айлагил” каби шеърлари, “Бахтсиз куёв” драмаси, “Жувонбоз” ҳикояси чоп этилади. Абдулла Қодирий ижодининг дастлабки намуналари бўлган бу асарлар миллатпарварлик руҳида ёзилган бўлиб, жадидчилик ғоялари билан суғорилгандир. Муаллиф унда халқнинг забун ҳолатидан куйиб сўзлайди, миллатни уйғонишга даъват этади, фикрлашга чорлайди. Абдулла Қодирийнинг “Улоқда” ҳикояси авалги асарлари билан тенглаштириб бўлмайдиган даражада юқори бўлиб, 20 аср тонгидаги ўзбек реалистик адабиётининг чўққиси, реалистик ҳикоянинг энг яхши намунаси ҳисобланади.

Абдулла Қодирийнинг 1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейинги фаолияти асосан матбуот билан боғланган. Унинг 1919–25 йиллар оралиғида ёзган мақолалари сони 300 атрофида. Абдулла Қодирийнинг публицистик чиқишлари аввало ўша даврнинг тарихий ҳужжати, замонасининг солномаси. 20-йиллар ўрталарида ёзилган “Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида”, “Тошпўлат тажанг нима дейдир?” сатирик ҳикоялар туркумида ёзувчи кулгуси “Характер кулгуси” даражасига кўтарилади. Муаллиф бунда ҳаётдаги, одамлар табиатидаги муайян салбий ҳодисаларни соф мафкуравий нуқтаи назардан туриб, нуқул бирёқлама қоралаш, фош этиш йўлидан бормай, характер ва ҳодисаларни холис туриб, мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатишга жазм этади.

Абдулла Қодирий шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида қизгин журналистик фаолияти билан баробар ўзбек адабиётидаги биринчи роман – “Ўтган кунлар” ни яратди (1919–20). Романдан боблар 1922 йиллари “Инқилоб” журналида чоп этилди. 1924–26 йиллари ҳар бир бўлими алоҳида-алоҳида китоб ҳолида босилди. “Ўтган кунлар” яратилган давр ўзбек халқи учун миллатнинг эрки, озодлиги, мустақиллиги, жаҳондаги ўрни масаласи ҳаёт-момот аҳамиятига молик эди. Абдулла Қодирий мамлакатимиз тараққийпарвар зиёлилари сафида туриб она юртнинг, миллатнинг тақдири устида астойдил қайғурди, ўзича нажот йўлини излади. Аввалига у большевикларнинг ёлғон ваъдаларига ишонди, аммо адиб бу ваъдалар қоғозда қолиб кетаётганини, ёвуз мустамлака сиёсати моҳият-эътибори билан ўзгармай қолаётганини, мунофиқона тус олаётганини, эл орасида бузғунчилик, фитна, синфий-мафкуравий адоват авж олдирилиб, биродаркушлик уруши бошланиб кетганлигини, шўрлик халқ бу қонли сиёсатнинг қурбони бўлаётганини ўз кўзи билан кўрди. Айниқса, Қўқон мухториятининг тор-мор этилиши кўпгина хур фикрли зиёлилар қатори Абдулла Қодирийнинг қалбини ларзага солди. Адиб “Ўтган кунлар” романи орқали халқнинг миллий онгини уйғотмоқчи бўлди, “тарихимизнинг энг кир, қора кунлари” – юртнинг мустамлака балосига гирифтор этган кейинги “хон замонлари” – 19 аср ўртасидаги мудҳиш тарихий жараёнлар ҳақида сўз очиб, бу аянчли ҳақиқатдан халққа сабоқ бермоқчи бўлди.

“Ўтган кунлар” романининг маъно мундарижа доираси ниҳоятда кенг. Унда хилма-хил инсоний тақдирлар, ижтимоий-ахлоқий, оилавий-ишқий муаммолар қаламга олинган. Бироқ улар орасида юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласи алоҳида ажралиб туради. Бинобарин эл-юртнинг мустақиллиги, бирлиги масаласи романнинг пафосини ташкил этади. Асарнинг бош қаҳрамонлари Отабек ва Юсуфбек ҳожилар шу юрт истиқлоли, фаровонлиги, осойишталиги йўлига ҳаётини, жонини тиккан фидойи кишилардир. “Ўтган кунлар” бамисоли улкан ва тиниқ кўзгу, унда ўзбек миллатининг муайян

тарихий шароит, вазиятидаги турмуши, урф-одатлари, рухий-маънавий дунёси, бўй-басти, қиёфаси кенг кўламда аниқ-равшан гавдалантирилган. “Ўтган кунлар”, бир қарашда, анъанавий ишқ дostonларини ҳам эслатади. Унда Отабек билан Кумушнинг гўзал бахтини барбод этган омиллар кишини чуқур ўйга толдиради.

Абдулла Қодирий ҳақиқатнинг кўзларига тик қараган инсон эди. Бу зот ҳақиқатни қадрлади, ҳақгўйлик билан шуҳрат топти. Аммо умри давомида тухматларга учраб, изтироблар ҳам чекди.

Қодирий ижодининг аҳамияти унинг миллий роман яратганлиги билангина чекланмайди. Улуғ адиб ўз романларида биринчилардан бўлиб ўзбек халқи ҳаётининг ёрқин манзараларини ҳам чизиб берди, миллий характернинг мукамал намуналарини яратди. Қодирий тарихий романларини ўтган аср ўзбек халқи ҳаётининг қомуси дейиш мумкин. Хуллас, ўз романлари билан Қодирий кенг пландаги реалистик эпик тасвирнинг нақадар катта имкониятларга эга эканлигини намойиш қилди, омманинг эстетик тафаккурини бир даража юксалтирди, ўзбек китобхонларининг бидий адабиёт тўғрисидаги тасаввурини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ёзувчидан халқ ҳаёти, урф-одатлари ва психологиясини чуқур билиш талаб этилади. Абдулла Қодирий ўз ижодида ана шу қоидага содиқ қолади. Зотан, фақат бидий тасвирда холислик китобхонларда ёзувчига нисбатан самимий меҳр туғдиради.

Абдулла Қодирий сиймоси халқимиз тасаввурида адолат, ҳақиқат ва жасорат тушунчаларининг тимсоли сифатида из қолдиргани бежиз эмас.

Абдулла Қодирийнинг 44 йиллик умри, 20 йиллик ижтимоий ва ижодий фаолият даври кескин курашлар, таъқибу таҳдидлар ичида ўтди. У 1937 йил 31 декабрь куни ҳибсга олинди. 9 ойлик қамокдаги сўроқ-тергов, қийноқ, хўрликдан

сўнг Чўлпон, Фитрат каби маслакдошлари билан бирга қатл этилди.

### **Абдулла Қодирий ҳаётига оид муҳим саналар**

1894 йил 10 апрелда таваллуд топди

1904-1906 – мусулмон мактабида таълим олди

1908-1912 – рус-тузем мактабида таълим олди

1916-1917 – Абулқосим шайх мадрасасида таълим олди

1925-1926 – Москвадаги адабиёт курсида ўқиди

1907-1915 – савдогарларга котиблик ва гумашталик қилди

1917-1918 – Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг Эски шаҳар озуқа қўмитасининг саркотиби

1919 – “Озиқ ишлари” газетасининг муҳаррири

1920 – касаба шўросининг саркотиби

1923-1926 – “Муштум” журнали ташкилотчиларидан ва таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб фаолият кўрсатди

1937 – ҳибсга олинди

1938 – қатл этилди

1991 – Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти таъсис этилди

1994 – “Мустақиллик” ордени билан тақдирланди.

### **Абдулла Қодирий ижоди**

1914-1915 – “Тўй”, “Аҳволимиз”, “Миллатимга”, “Фикр айлагил” шеърлари, “Бахтсиз куёв” драмаси, “Жувонбоз” ҳикояси чоп этилди

1919-1920 – “Ўткан кунлар” романини яратди

1928 – “Меҳробдан чаён” асари ёзиб тугатилди

1934 – “Обид кетмон” қиссасини ёзди.

### **Абдулла Қодирий таржималари**

1925 – татар физик олими Абдулла Шуносийнинг “Физика”

1935 – Н. В. Гоголнинг “Уйланиш”

1936 – А. П. Чеховнинг “Олчазор” асарларини ўзбекчага таржима қилди.

### **Абдулла Қодирий асарлари наشري**

1. **Қодирий, А.** Ижод машаққати : бадиий ижод тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар / А. Қодирий; муҳаррир М. Аҳмедов. – Тошкент : Ўқитувчи, 1995 (Матбуот). – 14 б. 15000 нусха.
2. **Қодирий, А.** Кичик асарлар / А. Қодирий. – Тошкент : Гофур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – 212 б. 60000 нусха.
3. **Қодирий, А.** Мехробдан чаён : Худоёрхон ва муншийлари ҳаётидан тарихий роман / А. Қодирий. – Тошкент : Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – 264 б. 60000 нусха.
4. **Қодирий, А.** Мехробдан чаён : роман / А. Қодирий. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 256 б. 150000 нусха.
5. **Қодирий, А.** Мехробдан чаён : Худоёрхон ва муншийлари ҳаётидан тарихий роман / А. Қодирий; муҳаррир Д. Умарова. – Тошкент : Ўқитувчи, 1978. – 241 б. 20000 нусха.
6. **Қодирий, А.** Мехробдан чаён : роман / А. Қодирий. – Тошкент : Шарқ, 2005. – 288 б.

7. **Қодирий, А.** Мехробдан чаён : роман / А. Қодирий; муҳаррир Ш. Эргашева. – Тошкент : Шарқ, 2010. – 288 б. 5000 нусха.
8. **Қодирий, А.** Мехробдан чаён : роман / А. Қодирий. – Тошкент : Шарқ, 2012. – 288 б.
9. **Қодирий, А.** Мехробдан чаён : роман / А. Қодирий. – Қайта нашр. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2017. – 328 б. 5000 нусха.
10. **Қодирий, А.** Обид кетмон : колхоз ҳаётидан қисса / А. Қодирий. – Тошкент : Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – 256 б. 45000 нусха.
11. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар : тарихий роман / А. Қодирий. – Тошкент : Ўзбекистон давлат нашриёти, 1958. – 337 б. 90000 нусха.
12. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар : тарихий роман / А. Қодирий. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 394 б. 150000 нусха.
13. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар : тарихий роман / А. Қодирий; муҳаррир С. Азимов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 381 б. 100000 нусха.
14. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар : тарихий роман / А. Қодирий; муҳаррир Х. Ҳайитметов. – Тошкент : Ўқитувчи, 1985 (Матбуот). – 397 б. 30000 нусха.
15. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар. Мехробдан чаён : романлар / А. Қодирий; муҳаррир В. Раҳмонов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 (Матбуот). – 656 б. 60000 нусха.

16. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар : роман / А. Қодирий. – Ташкент : Шарқ, 2000. – 400 б. 25000 нусха.
17. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар : тарихий роман / А. Қодирий. – Тошкент : Шарқ, 2005. – 384 б.
18. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар : тарихий роман / А. Қодирий; муҳаррир Г. Ҳайтова. – Тошкент : Шарқ, 2009. – 400 б. 10000 нусха.
19. **Қодирий, А.** Ўткан кунлар : тарихий роман / А. Қодирий. – Тошкент : Шарқ, 2013. – 384 б. – (Аср ошган асарлар) 10000 нусха.

### **Абдулла Қодирий ҳақидаги китоблар**

1. Қодирийни қўмсаб : ёднома / нашрга тайёрловчи Ш. Қодирий. – Тошкент : А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 80 б. 20000 нусха.

### **Матбуот нашрларида Абдулла Қодирий ҳақида чоп этилган мақолалар**

#### **1984 –1994**

Ғайратий. Унитилмас хотиралар / Ғайратий; хотираларни Ҳ. Қодирий ёзиб олган // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1984. – 20 апр. – Б. 3.

Владимирова, Н. Моҳир таржимон / Н. Владимирова // Совет Ўзбекистони. – 1990. – 9 янв. – Б. 4.

Абдулла Қодирий – кино мунаққиди / нашрга тайёрловчи Ҳ. Акбаров // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1994. – 11 март. – Б. 5.

Абдурахмонов, Ғ. Абдулла Қодирий услуби ҳақида / Ғ. Абдурахмонов // Ўзбек тили ва дабиёти. – 1994. – № 4. – Б. 38–42.

Исматуллаев, Ҳ. Абдулла Қодирий абадияти / Ҳ. Исматуллаев // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1994. – 11 нояб. – Б. 5.

Лутфиддинова, Ҳ. Кумушбиби – эстетик идеал намунаси / Ҳ. Лутфиддинова // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. – № 4 – Б. 42–45.

Раҳимов, А. Қодирийнинг адабиётга қарашлари / А. Раҳимов // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. – № 4. – Б. 28-32.

Турдиев, Ш. Абдулла Қодирий ва татар адабиёти / Ш. Турдиев // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. – № 4. – Б. 32–38.

Тўлаганова, С. Ҳасанали образининг бадиий талқини / С. Тўлаганова // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. – № 4. – Б. 45–48.

Файзиева, У. Мозийга қайтиш хайрли иш / У. Файзиева // Ўзбекистон овози. – 1994. – 8 дек. – Б. 3.

### 1995 – 2005

Карим, Б. Роман “ҳошия”сидаги изоҳлар / Б. Карим // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 2 апр. – Б. 3.

Мирзаева, З. Америкалик қодирийшунос / З. Мирзаева // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №2. – Б. 35–39.

Мирвалиев, С. “Ўткан кунлар” – тарихий роман / С. Мирвалиев // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №2. – Б. 10–16.

Отажонова, М. “Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари” драмаси ҳақида / М. Отажонова // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №2. – Б. 19–21.

Раҳимбоева, Қ. “Айбларни рад этаман” : Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига / Қ. Раҳимбоева // Тил ва адабиёт таълими. – 2004. – № 2. – Б. 71–76.

Тошмуҳаммедова, Л. Бадиий асарда кулгининг эстетик вазифаси / Л. Тошмуҳаммедова // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №2. – Б. 16–19.

Тўлаганова, С. Давр ва ижодкор шахсияти / С. Тўлаганова // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №2. – Б. 20–27.

Худойкулов, М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси / М. Худойкулов // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №2. – Б. 27–34.

### 2006 – 2008

Каримов, Б. Ҳақиқатпарвар, жасоратли адиб / Б. Каримов // Постда. – 2006. – 15 апр. – Б. 10.

Карим, Б. “Қаро кўзлари, камон қошлари...” / Б. Карим // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2007. – 6 апр. – Б. 4.

Ҳожимуродова, Л. Элим деб, юртим деб яшаган адиб / Л. Ҳожимуродова // Ватанпарвар. – 2007. – 23 нояб. – Б. 8.

Абдулла Қодирий ҳақида ноёб ёдномалар : [Қўқон оқшомлари: Кимёхон Ҳайдарова хотираси] / нашрга тайёрловчи Ш. Турдиев // Ҳуррият. – 2008. – 10 сент. – Б. 6.

Каримов, Б. “Ҳақиқат очиб сўзлашдадир” : Абдулла Қодирий сиймосига бир назар / Б. Каримов // Ҳуқуқ ва бурч. – 2008. – № 4. – Б. 30–31.

### 2010 – 2013

Салим, С. Қодирийнинг бадиий маҳорати / С. Салим // Ҳуррият. – 2010. – 7 апр. – Б. 6.

Турдиев, Ш. Абдулла Қодирий ва жаҳон адабиёти / Ш. Турдиев // Ижтимоий фикр. – 2010. – № 4. – Б. 139–146.

Каримов, Н. Абдулла Қодирий қаерда ўқиган? / Н. Каримов // Китоб дунёси. – 2013. – 10 июль. – Б. 5.

### 2014

Адиб ҳақида / нашрга тайёрловчи Ҳ. Қодирий // Қалқон. – 2014. – апр. – Б. 41.

Аҳмад, С. “Ўтган кунлар” унда жамият ва шахс муаммоси / С. Аҳмад // Ҳуқуқ ва бурч. – 2014. – № 4. – Б. 34–37.

Мели, С. Самовий миқёс: “Ўткан кунлар” ва “Қирол Лир” / С. Мели // Ўзбек тили ва дабиёти. – 2014. – №2. – Б. 11–20.

Мирзаева, З. Америкалик қодирийшунос / З. Мирзаева // Ўзбек тили ва дабиёти. – 2014. – № 2. – Б. 35-39.

Назаров, Б. Қодирий ҳажвиётининг бадиий қудрати / Б. Назаров // Ўзбек тили ва дабиёти. – 2014. – № 2. – Б. 3–11.

Турдимов, Ш. Абдулла Қодирий ва фольклор / Ш. Турдимов // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2014. – №3. – Б. 3–10.

Турсунова, Ф. Абдулла Қодирий ҳажвияларида монологик нутқ / Ф. Турсунова // Ўзбек тили ва дабиёти. – 2014. – № 2. – Б. 40–42.

Худойкулов, М. Ўзбек ҳажвий публицистика асосчиси / М. Худойкулов // Ўзбек тили ва дабиёти. – 2014. – № 2. – Б. 27–35.

## 2015 – 2016

Жўраева, М. Лаҳзалик ақл чархи / М. Жўраева // Тил ва адабиёт таълими. – 2015. – №9. – Б. 22.

Нишонов, Э. Ёзувчилик ҳунари, яхшилик касби бўлган зот / Э. Нишонов // Маърифат. – 2015. – 29 авг. – Б. 11.

Каримов, Н. Қодирийшунослик: ютуқлар, муаммолар, мулоҳазалар / Н. Каримов // Китоб дунёси. – 2016. – 9 янв. – Б. 2

Тузувчилар :

Д. Мамадиева

Г. Бобожонова